



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ЎСИШИНИ ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Ембергенов Наўрызбай Жанабаевич

г.ф.н., доцент

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

e-mail: e_navruzbey@mail.ru

Ауезов Омирбай Тазабаевич

таянч докторант

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

e-mail: omirbayauezov@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг ўсиши ҳам худудий ҳам даврий нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Шунингдек, аҳоли сонининг ўсишига таъсир этувчи омиллар ўрганилган.

Калит сўзлар: аҳоли ўсиши, табиий кўпайиш, миграция, аҳоли жойлашуви, демографик сиғим.

ISSUES OF ECONOMIC AND GEOGRAPHICAL STUDY OF POPULATION GROWTH OF THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN

Embergenov Naurizbay

Auezov Omirbay

Annotation: This article discussed the population growth of the Republic of Karakalpakstan both from a regional and periodic point of view. Factors influencing population growth were also studied.

Keywords: population growth, natural increase, migration, population distribution, demographic capacity.

Ҳар қандай минтақада аҳоли сони ва унинг динамикаси ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва худудий ташкил этилишида катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг бир-бирига мос келиши ижтимоий-иқтисодий ривожланишга замин яратади. Акс ҳолда, ушбу жараёнлар ўртасидаги номуаносибликлар қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни вужудга келтиради [1,87-б.]. Шу боис ҳам аҳоли сони, динамикаси, худудий таркибидаги ўзгаришлар ва унга таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиш, келажак прогнозини ишлаб чиқиш муҳимдир. Шу сабабдан, ҳозирги кунда ушбу жараёнларни тадқиқ этишда

аҳоли географияси, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва бошқа қатор тармоқларнинг асосий тадқиқот объекти сифатида тутган ўрни каттадир.

Ўтган асрнинг 90 йилларидан бошлаб Қорақалпоғистонда геодемографик жараёнлар минтақадаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва экологик омилларга боғлиқ бирмунча ўзгарди. Жумладан, у туғилишнинг кескин қисқариши натижасида табиий кўпайиш кўрсаткичларининг камайиши ҳамда ташқи миграция сальдосининг салбий томонга ўзгариши билан аҳоли сони ўсиш суръатининг тобора пасайиб боришини ўзида намоён этувчи “демографик ўтиш” даврини бошдан кечирди [2,113-б.]. Ўз навбатида, ушбу жараён мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши билан бир даврда ва у билан боғлиқ равишда содир бўлди.

Статистик маълумотларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси 2021 йил 1 январ ҳолатига 1 923,7 минг кишини ташкил қилган. Бу кўрсаткич 1991 йили 1 273,8 минг кишига тенг бўлиб, у ўтган 30 йил мобайнида 649,9 минг кишига ёки 151,0 фоизга кўпайган. 1991-2021 йилларда аҳоли сони шаҳарларда 614,4 мингдан 942,0 минг кишига (153,3 фоиз) ва қишлоқ жойларида эса 659,4 мингдан 981,7 минг кишига (148,9 фоиз) ўсган. Аслида қишлоқ жойларида аҳоли сонининг ўсиши шаҳарларга нисбатан юқори бўлган. Лекин, 2009 йилда минтақада 11 та йирик қишлоқларга шаҳарча мақоми берилиши натижасида шаҳар аҳолиси улуши ўсиб, ҳозирги кунда урбанизация даражаси 49,0 фоизни ташкил этади [3,17-61 б.].

Тадқиқ этилаётган давр мобайнида аҳоли сонининг ўсиш динамикасида доимо ўзгаришлар бўлиб турган. Масалан, аҳоли сони 1991-2001 йилларда 119,9 фоизга, 2001-2011 йилларда 110,1 фоизга ва 2011-2021 йилларда эса 114,4 фоизга ўсган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, аҳоли сонининг ўсиш суръати йил сайин камайиб, сўнгги йилларда бироз кўтарилганлиги сезилади. Аҳолининг ўсиши мос равишда шаҳарларда 120,2; 113,4 ва 112,5 фоизга ҳамда қишлоқ жойларда 119,6; 107,0 ва 116,3 фоизга тенг бўлган.

Ижтимоий-иқтисодий, демографик, экологик ва бошқа омиллар таъсирида аҳоли сонининг ўсиши жиҳатидан қишлоқ туманлари бир-биридан кескин фарқланади. Уларни аҳоли сонининг ўсиш суръати бўйича қуйидаги учта гуруҳга ажратиш мумкин (1-жадвал). Биринчи гуруҳга аҳоли сони тез ўсаётган қишлоқ туманлари бириктирилган ва у республика ҳудудининг 11,3 фоизини эгаллайди. 1991-2021 йиллар мобайнида ушбу гуруҳ аҳолиси 470,0 мингдан 827,2 минг кишига ошган (176 фоиз). Бунинг натижасида мазкур гуруҳ туманларида аҳоли улуши 47,1 фоиздан 55,0 фоизга ошди.

1-жадвал

Қорақалпоғистон қишлоқ туманлари аҳоли сони ўсиши бўйича гуруҳланиши (1991-2021 йй.)*

№	Гуруҳлар	Қишлоқ туманлари	Худуди		Аҳоли сони (01.01.2021)	
			минг кв.км	фоиз	минг киши	фоиз
1	Аҳоли сони ўсиши (160,0 фоиз ва ундан) юқори	Амударё, Беруний, Тўрткўл, Эллиққалъа ва Қонликўл	18,5	11,3	827,2	55,0
2	Аҳоли сони ўсиши ўртача (130,0-159,9 фоиз)	Кегайли, Чимбой, Шуманай, Қораўзак ва Қўнғирот туманлари	83,5	51,1	428,1	28,5
3	Аҳоли сони ўсиши (129,9 фоиз ва ундан) паст	Мўйноқ, Нукус, Тахтақўпир ва Хўжайли	61,5	37,6	248,1	16,5
	Жами:	14	163,5	100,0	1503,4	100,0

Жадвал ҚР статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

* Жадвалга Нукус шаҳри ҳамда янгидан ташкил этилган Бўзатов ва Тахиатош туманлари киритилмаган.

Иккинчи гуруҳ туманларида аҳоли сонининг ўсиши ўртача даражада ва у катта майдонни эгаллаб, республика ҳудудининг 51,1 фоизини ташкил этади. Тадқиқ қилинаётган давр мобайнида аҳоли сони 295,6 мингдан 428,1 минг кишига ёки 144,8 фоизга ўсган. Аҳоли улуши эса 29,6 фоиздан 28,5 фоизга камайган. Учинчи гуруҳда аҳолининг ўсиш даражаси паст бўлиб, унга Қорақалпоғистоннинг 37,6 фоиз худуди тўғри келади. Бу даврда аҳоли сони 232,7 мингдан 248,1 минг кишига, яъни 106,6 фоизга ўсган. Мазкур гуруҳ аҳолисининг республикадиги улуши 23,3 фоиздан 16,5 фоизга камайган.

Таҳлил натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, тадқиқ этилаётган даврда Қорақалпоғистон қишлоқ туманлари аҳоли сонининг ўсиш суръати бўйича бир биридан кескин фарқланади. Унинг минтақавий хусусиятларига эса қуйидаги географик, ижтимоий-иқтисодий, демографик ва экологик омиллар таъсир қилган:

- Минтақанинг географик жойлашган ўрни;
- Аҳолининг табиий ҳаракати (туғилиш ва ўлим);
- Минтақанинг табиий шароити ва экологик вазияти;
- Аҳолининг миллий ва этник таркиби;
- Аҳоли жойланиши ва миграцияси;
- Урбанизация даражаси;

- Маъмурий ҳудудий ўзгаришлар ва бошқалар.

Маълумки, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, шу билан бирга аҳоли сони ва унинг турмуш шароитининг ўсиб бориши инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро алоқаларни жиддийлаштириб, унинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларини кучайтиради. Бу хусусда минтақада юзага келган мураккаб экологик вазият бевосита Орол денгизининг қуриб боришига боғлиқ. Мавжуд экологик вазиятнинг таъсир доираси денгиздан узоқлашган сайин ўзгариб, фарқланиб боради. Шу сабабли ушбу экологик муаммо ҳудудий тафовутларни вужудга келтириб, географик тадқиқотларда экологик (геоэкологик) ёндашувни талаб этади.

Шундай қилиб, тадқиқ этилаётган даврда Қорақалпоғистонда аҳоли сонининг ўсиш суръати ҳам даврий ҳам ҳудудий тафовутларда ўз аксини топмоқда. Бунда минтақадаги мавжуд экологик вазият таъсирида юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий муаммолар алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабдан геодемографик жараёнлар Орол денгизидан узоқлашган сари фарқланиб, жанубий туманларда аҳоли сони кўпайиб, унинг улуши ортиб бормоқда. Шимолий туманларда эса экологик омил ва сувсизликка боғлиқ аҳоли миграцияси юқори.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Борисов В.А. Демография. - М.: Издательский дом NOTABENE, 2001. - 272 с.
2. Ембергенов Н.Ж. Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг ўсиши ва унинг ҳудудий хусусиятлари // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 31 жилд. - Т., 2008. - 113-115 б.
3. Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. - Нукус, 2021. - 64 б.